

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2022 йил июнь ойининг 20 куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туман суди, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги ЖИЭД-1 МММ 23-сон МУИК маъмурий биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, видеоконференцалоқа тизимида судья С.Хожамкулованинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Розимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент шаҳар Миробод туман прокурорининг ёрдамчиси Ж.Козимов, судланувчи Г.Мавлютов ва унинг ҳимоячиси - адвокат Р.Бакиеванинг иштирокида, С.Акобировнинг таржимонлигида, Мавлютов Гумир Минихановичга нисбатан 1-1002-2105/276-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

жатларига кўра: Мавлютов Гумир Миниханович (**MAVLYUTOV GUMIR MINIXANOVICH**) 1967 йил 15 мартда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати татар, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам судланган: 1) Тошкент шаҳар Ленин (ҳозирги Миробод) туман судининг 1985 йил 18 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон ССР ЖКнинг (1959 йилдаги тахрирда) 125-моддаси 1-қисми ва 216-6-моддаси билан айбли деб допилиб, 23-2-моддасига асосан 2 йил муддатга шартли ҳукм қилиниб, мажбурий технатга жалб қилинган; 2) Тошкент шаҳар Фрунзе (ҳозирги Яккасарой) туман судининг 1991 йил 10 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон ССР ЖКнинг (1959 йилдаги тахрирда) 115-моддаси 1-қисми билан 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган; 3) Тошкент шаҳар Сергели туман судининг 1993 йил 20 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон ССР ЖКнинг (1959 йилдаги тахрирда) 116-6-моддаси 1-қисми билан 1 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган; 4) Тошкент шаҳар Миробод туман судининг 1996 йил 4 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми «г» банди билан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган; 5) жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2001 йил 13 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 226-моддаси 1-қисми билан 1 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган; 6) жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2003 йил 29 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Косон туман судининг 2005 йил 19 апрелдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан



ўталмаган 3 йил 3 ой 24 кун жазоси шу муддатг ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2006 йил 14 февралдаги ажримига кўра, ЖКнинг 75-моддасига асосан жазодан озод этилган;

7) жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2008 йил 5 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 226-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, 2012 йил 25 декабрда жазони ўтаб чиққан, (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 78-моддасига асосан судланганлик ҳолати тугалланган), 8) жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2015 йил 16 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми “е” банди билан 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан ҳукм шартли деб ҳисобланиб, 3 йил синов муддати белгиланган, жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2017 йил 13 майдаги ажримига кўра, ЖКнинг 72-моддасини қўллаш бекор қилиниб, 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2020 йил 21 январдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмаган 5 йил 3 ой 22 кун жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 12.01.2021 йилдаги ажримига асосан, ЖКнинг 46-моддасига асосан ўталмаган 5 йил 3 ой 22 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2021 йил 18 июндаги ажримига кўра, ЖКнинг 48¹-моддасига асосан ўталмаган 4 йил 11 ой 4 кун жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2021 йил 29 октябрдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмаган 4 йил 6 ой 23 кун жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2022 йил 20 апрелдаги ажримига кўра, ЖКнинг 46-моддасига асосан ўталмаган 4 йил 6 ой 23 кун жазоси озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган,



Миробод тумани, Локомотив кўчаси, 8-уй, 9-хонадонда яшовчи, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси танланган, 2022 йил 20 апрелдан қамоқда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Г.Мавлютов 2022 йилнинг 21 февраль куни соат 15:30 да ғаразли ва паст ниятларини амалга ошириб, моддий манфаатдор бўлиш учун, 200.000 сўм пуллар эвазига, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Локомотив кўчаси, 8-уй, 9-хонадоннинг Ф.Сидиков ва Ф.Турсунбоевага жинсий алоқа қилишлари учун шароит яратиб бериш орқали фоҳишахона ташкил қилган. Миробод туман ИИО ФМБ ЖКБ тезкор ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида аниқланиб, Г.Мавлютовдан 200.000 сўм миқдордаги пу маблағлари холислар иштирокида баённома асосида олиб қўйилган.

Судланувчи Г.Мавлютов суд мажлисида айбига тўлиқ иқроор бўлиб, вақтинча ишсизлигини, Миробод тумани, Локомотив кўчаси, 8-уй, 9-хонадонда ўзи истиқомат қилиб келаётганлиги, 2022 йил 21 февраль тахминан 15:30 ларда таниши Ф.Сидиков унга кўнғироқ қилиб, уйини ижарага жинсий алоқа қилиш учун бериб туришини сўраганлиги, у рози бўлганлиги, орадан бир неча соат ўтиб Ф.Сидиков уйига ёнида нотаниш қиз билан келганлиги, шундан сўнг Ф.Сидиков ундан уйни жинсий алоқа қилиш учун 2 соатга 200.000 сўм эвазига беришини илтимос қилганлиги, у рози бўлиб, Ф.Сидиковдан 200.000 сўм пулларни олиб уйдан чиқиб кетмоқчи бўлган вақтида уйига фуқаролик киймида ИИО ходимлари келиб, ўзларини таништириб унинг ёнида ноқонуний нарса бор ёки йўқлигини сўрашганлиги, у ўз ихтиёри билан Ф.Сидиковдан жинсий алоқа қилиш мақсадида ижарага берган уй учун олган 200.000 сўм пулларни тақдим қилганлиги, ушбу пул холислар иштирокида ундан олиниб, тушунтириш хати ёзиб берганлиги, қилмишидан пушаймонлигини билдириб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Д.Беглов суд мажлисида 2022 йил 21 февраль куни Миробод тумани Локомотив кўчасидан ўтиб кетаётганида ИИБ ходимлари тўхтатиб, холис сифатида қатнашиб беришни сўраганларини, у рози бўлганлигини ва у билан бирга яна бир шахс, ходимлар билан бирга Миробод тумани, Локомотив кўчаси, 8-уй, 9-хонадонга кирганларида кейинчалик унга маълум бўлган Мавлютов Гумир Миниханович хонадонига жинсий алоқа қилиш учун шароит яратиб берганлиги маълум бўлганлигини, ИИБ ходимлари Г.Мавлютовга ўзини таништириб, олдида бўлган ноқонуний нарсаларни чиқаришни сўраганларида у 4 дона 50.000 сўмлик купюрадаги пулларни тақдим этганлигини, кейин уйда жинсий алоқа қилиш учун шароит яратиб бергани эвазига “Фарух” исмли шахсдан олганлигини айтиб



ўтганлигини, пуллар уларнинг иштирокида баённома тузиб олинганлигини баён қилган.

Суд, судланувчи, гувоҳ кўрсатувларини, давлат айбловчиси ва судланувчининг ҳимоячиси фикрини эшитиб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи Г.Мавлютовнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби, ўзининг, гувоҳ Д.Беглов, судда тарафларнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилган гувоҳлар С.Турсунбоева, Ф.Сидиков, Ж.Джалиловнинг дастлабки терговдаги кўрсатувларидан ташқари, юзлаштириш, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомалари ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, Г.Мавлютовнинг содир этган жиноий ҳаракатининг юридик квалификациясига баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан унинг фоҳишахона ташкил этишда ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Г.Мавлютовга жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54-моддасида белгиланган қоидаларга мувофиқ жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, Г.Мавлютовнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

Суд, Г.Мавлютовга айбига тўлиқ иқрор бўлганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолайди.

Суд судланувчи Г.Мавлютовга нисбатан жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг тушунтиришларига амал қилиб, унинг шахсини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларни инобатга олиб, у айбли деб топилаётган модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси тартибида жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 16.10.2015 йилдаги ҳукми билан тайинланган жазонинг ўталмаган қисмини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил жазо тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига мувофиқ, жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган ашёларнинг кейинги тақдирини муҳокама қилиб, иш юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган 200.000 сўм миқдордаги пулларни давлат даромадига ўтказишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:



Мавлютов Гумир Миниханович (MAVLYUTOV GUMIR MINIXANOVICH) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилсин.

Мавлютов Гумир Минихановичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан 2 (икки) йил муддатга озодликдан маҳрум жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси тартибида тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 16.10.2015 йилдаги ҳукми билан тайинланган жазонинг ўталмаган қисмини қисман кўшиш йўли билан Г.Мавлютовга узил-кесил ўташ учун 4 (тўрт) йил 8 (саккиз) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Мавлютов Гумир Минихановичга жазо қаттиқ тартибли колонияда ўтатирилсин.

Жазо муддати 2022 йил 20 апрелдан бошлаб ҳисоблансин.

Мавлютов Гумир Минихановичга нисбатан танланган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Жиноят иши юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган 200.000 сўм миқдордаги пуллар ҳукм қонуний кучга киргач давлат даромадига ўтказилсин.

Апелляция шикояти ва протест ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчилар томонидан эса уларга ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида берилиши мумкин.

Мазкур ўтказиб билдирилган протест ва шикоят кўрилмасдан қолдирилади.

Раислик қилувчи судья

(имзо)

С.Хожамкулова

Ҳукм нусхаси аслига тўғри:



Маъсул судья: Хожамкулова Сурайёхон Рустамовна

